

## Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир. Учинчи ёрдам карвони Сирдарёликларга етказилди



03:16 / 07.05.2020 3493

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм! Аллоҳ таолога ҳамду санолар,  
Расулulloҳга дуруду салавотлар бўлсин!

Маълумингизким, 2 май куни тонгдан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаси, «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти, islom.uz портали, muslimaat.uz сайти, «Гранд таълим» НТМ @grandtalim ташаббуси билан офатдан зарар кўрган сирдарёлик юртдошларимиз учун хайрия штаби ташкил этилди.

Бугун 6 май куни, 3- кўмак автокарвони хайрия штаби ташкилотчилари гуруҳи билан бағрикенг, саховатпеша ва ҳамдард халқимиз томонидан хайрия қилинган маҳсулотларни ортиб Сирдарё вилоятига йўл олди.

Эвакуация қилинган 324 та оила вақтинчалик истиқомат қилаётган Сирдарёдаги Сайхунобод туманига ва Пахтакор ҚФЙ, Ўзбекистон маҳалласига борилди.

Уйларига қўйган юртдошларимизга раҳмат айтиш керак, ҳеч иккиланишсиз кўплаб оилаларга жой беришган. Вакилларимиз маҳалла фаоллари билан ўша хонадонларга бориб, эҳтиёжга кўра кўрпа-тўшак, кийим- кечак ва озиқ -овқат маҳсулотларини улашиб чиқишди.

Айнан ушбу кунларда хонадонлардан бирида янги чақалоқ дунёга келган экан. Вакилларимиз жажжи меҳмон билан оила аъзоларини табриклаб, олиб борилган маҳсулотлардан берилди, соғ-саломат вояга етишини тилаб дуо қилинди.

Кеча 5 май куни ҳам Андижон шаҳридан саховатпеша юртдошларимиз томонидан юборилган кўмак ашёлари юкланган автотранспорт Гулистон шаҳрига, Сирдарё вилояти диний идорасининг вакиллиги ходимлари масъуллигида эҳтиёжманд оилаларга етказилган.

Сардобада зарар кўрганларга ёрдам штабига эҳсонлар қабул қилиш давом этмоқда. Узоқ сақланадиган озиқ-овқатлар, кўрпа-тўшаклар ва айниқса қурилиш материаллари қабул қилинмоқда.

Аллоҳ таоло барчангизга Рамазон ойидаги хайр-эҳсонларингизга ажру савобларни кўпайтириб ато этсин!

























